

ХДР

1918-йил
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№48, 2022-йил
30-noyabr,
chorshanba (32.742)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

8 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси қабул
қилинган кун



ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК АСОСИ МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЗАРУР

Конституциямизга стратегик ва принципиал масалаларда ўзгартиш ва қўшимчалар назарда тутилаётган экан, қонун лойиҳасини **янада такомиллаштириш зарурати сезилаётгани ҳақидаги фикрларни** жуда тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Халқ демократик партияси қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича яна бир қатор **таклифларни илгари сурмоқда.**

Биринчидан, ҳар бир демократик давлатда, авваламбор, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланган бўлиши энг асосий масаладир. Шунинг учун давлат органлари, хусусан, судлар томонидан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда Конституция меъёрларининг тўғридан-тўғри қўлланилиши механизмларини ишлаб чиқиш ва қонун лойиҳасида аниқ белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида **“ижтимоий давлат”** ва **“ижтимоий бирдамлик”** тамойилларини **амалга ошириш механизмларини** янада аниқ ва кенгроқ очиқ беришга алоҳида эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу тамойилларнинг самарали ишлаши давлатимиз ривожига, юртимиз тинчлигига, жамиятимиз бирдамлигига ва фуқароларимиз ҳаётининг фаровонлигига хизмат қилади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги Россия парламент делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда парламентлараро мулоқотлар жадал суръат касб этгани, Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида янги форматдаги – икки мамлакат парламентларининг палата ва қўмиталари раҳбарлари даражасида учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий қилингани алоҳида қайд этилди.

Қабулдан олдин делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамроҳлигида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тарихий меросимиз ва замонавий бунёдкорлик лойиҳалари билан яқиндан танишди.

КЕЧА ҲИНДИСТОННИНГ
КАЛКУТТА ШАҲРИДА
ДУНЁНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ
ШАХМАТ МУСОБАҚАЛАРИДАН
БИРИ БЎЛГАН "TATA STEEL
CHESS INDIA-2022» ХАЛҚАРО
ТУРНИРИ БОШЛАНДИ.

УНДА НОДИРБЕК
АБДУСАТТОРОВ
ҲИНДИСТОНДАГИ «TATA
STEEL CHESS INDIA 2022»ДА
ТУРНИРНИНГ БИРИНЧИ
РАҚАМЛИ ШАХМАТЧИСИ
ҲИКАРУ НАКАМУРАНИ
МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТДИ.



ОБУНА — 2023

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK VA **Payme**

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.
Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 239-12-14, (71) 239-18-84.



ШОВ-ШУВ ВА ҲАҚИҚАТ

Биргина онкологияда эмас, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида беморлар ўз ҳудудида даволаниши керак, деган ташаббус илгари сурилмоқда. Мухими, бу борада ишлар бошлаб юборилган. 5 йил олдин юртимизда нур билан даволайдиган 5 тагина аппарат бор эди. Ҳозирда уларнинг сони 27 тага етди. Ҳар битта вилоятга ўрнатилди.

FAOLIYAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



ДЕПУТАТ

ТУШУНТИРИШ ВА

ШУ КУНЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎЛИБ, ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА. УЧРАШУВЛАРДА ДЕПУТАТЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИДАГИ ЯНГИ МЕЪЁРЛАРНИНГ МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ, УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ҲАҚИДА КЕНГ ВА АТРОФЛИЧА МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШЯПТИ. САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН САМИИЙ МУЛОҚОТ ДОИРАСИДА УЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИБ, ЕЧИМИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Имомова Қашқадарё вилоят Шахрисабз туманидаги маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида туманнинг чекка ҳудудларида иқтисодиёт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларга оид инфратузилмаларни ўрганди.

Хусусан, депутат ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаби, маҳалла биносиди бўлиб, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими билан қизиқди. Ўрганишларга кўра, 25- ҳамда 27-мактабгача таълим ташкилоти ачинарли аҳволда. Илгари бу боғчалар бинойидек ишлаб турганди. Ҳозирда боғча бинолари бузилиб, фаолияти тўхтатилган. Янгисини қуриш учун топшириқ бўлганига қарамай, ҳали иш бошланмаган.

Депутат шунингдек, "Янгибоғ" маҳалласида 200 ўринли икки қаватли янги боғчада бўлди. Ташқаридан жуда ажойиб кўринган бино ичкараси умуман ачинарли аҳволда. Мазкур муассаса қурилиши учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилган. Аммо шунга қарамай, қурувчи ташкилот фақат ташқи тарафини тугаллаб, ишни тўхтатган. Депутат бу масалалар бўйича ҳокимиятдан арзирли тушунтириш оломагач, тегишли ташкилотга мурожаат қилди ва масала назоратга олинди.

Шунингдек, 26-, 29-мактаблар фаолияти ҳам ўрганилди. Оғриқли нуқталари шундаки, илгари ҳам бир неча марта депутатлик сўровлари юборилганига қарамай, мактаблардаги камчиликлар баратараф этилмаган. Яъни болалар 3 сменада ўқишади. Қўшимча бинолар йўқ. Ачинарли томони, айна пайтда ўқувчилар мактаб яқинидаги бир тадбиркорнинг биносиди ўқишапти. Спорт зали бор, аммо жиҳозлари йўқ. Бу каби салбий ҳолатлар, камчиликлар депутат назоратига олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ўрол Ўразбоев Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги "Янги Диёр" ҳамда "Маданият" маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Учрашувларда туман ҳокими ўринбосарлари, бир қатор ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Депутатнинг Вазирилар Маҳкамаси ҳамда "Ўзсувтаъминот" АЖга тумандаги "Маданият" маҳалласи аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида киритган депутатлик сўрови натижасида бугун мазкур ҳудудда ишлар бошлаб юборилган. Қўшни "Янги Диёр" маҳалласи ҳудудидан 9 км. масофадан янги ичимлик суви тармоқлари тортиш учун 9 млрд. сўмлик ишлар режа асосида бошланди.

Сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқаролардан турли мазмундаги мурожаатлар тушди. Масалаларнинг айримлари жойида ҳал этилган бўлса, қолганларининг ечими назоратга олинди. Жумладан, "Янги Диёр" ва "Маданият" маҳаллалари биноларини қуриш билан боғлиқ масала тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ечим топадиган бўлди.

Биламиз, қонунчиликка асосан халқ ноиблари доимий равишда ўз сайлов округларида ҳам фаолият олиб боришлари белгиланган. Шунга асосан амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокамада бўлган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов** томонидан Сурхондарё вилояти Денов туманидаги сайловчиларга етказилмоқда.

Дастлаб тумандаги "Лўпон", сўнг "Қизилжар" маҳаллалари аҳолиси билан сайёр учрашувлар ташкил этилди. Сайловчилар электр энергияси ва газ таъминоти, ички йўллари таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, пенсия масалаларида мурожаат қилишди. Мурожаатларнинг аксарияти жойига чиқиб ўрганилди. Улар асосан маҳаллий даражада ҳал этиладиган бўлиб, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга тақдим этилди, депутатлик назоратига олинди.

Учрашувларда нуронийлар пенсия пулини ҳисоблашда охириги беш йилликни эмас, ўзлари истаган муддатни олиш таклифини билдиришяпти. Боиси, охириги йилларда кишилар асосан кучдан қолган ёки иш жойини, амалини ўзгартирган бўлади. Илгари яхши жойда яхши маош билан ишлаган одам кейинги йиллардаги маошига қараб пенсия

СЎЗ – СИРДАРЁЛИК ДЕПУТАТЛАРГА

Сирдарё кўпинча катта воқеалар, муҳим тажрибалар марказида туради. Ҳудуднинг уникал жиҳатлари бор. Ўтган ҳафта вилоятда ҳоким ўзгарди. Тажрибали ҳоким давлат маслаҳатчиси бўлди. Янги ҳоким ҳам кўпни кўрган дейишмоқда. Вилоят раҳбарияти, мутасаддилар зиммасига жуда масъулиятли вазифалар қўйилди.

Ҳудуднинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш депутатларга ҳам чамбарчас боғлиқ. Сирдарёда депутатлар ўзгарди ва янги лангиларнинг нафақат иштирокчиси, балки ижодкори бўла оляптими? Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар нима режалар билан банд?



Шерали МАМАДЦЕВ, ЎзХДП вилоят Кенгаши раиси:

– Депутатлик – одамларнинг ишончи, бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Депутатлар фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб борамиз, чунки халқ олдида улар билан баробар масъулмиз. Қонунчи-

ликка мувофиқ, вазифасига совуқ-қонлик билан муносабатда бўладиган бундай депутатларни қақариб олиш мумкин. Кейинги сайловда ишончли оқламаган депутатларни кўриб аҳоли вакиллари бизнинг партия кўрсатган номзодга овоз берадими, шу округдаги партия тарафдорларини сақлаб қола оламизми, партия обрўсини тушириб қўймаймизми? Доим шу саволлар ҳақида ўйлаймиз.

Фаолиятида сусткашлик сезилаётган депутатларга ёрдам бераймиз. Ноябрь ҳолатига кўра, натижаларимиз йил бошидагидан анча яхшиланди. Айна вақтда депутатлик фаолияти қоникарсиз 10 депутатдан 6 нафари ўз фаолиятини фаол равишда йўлга қўйиб олди. Фаолиятида мутлақо ўзгариш бўлмаган 2 нафар депутатни қақариб олишга мажбур бўлдик.

Жумабой РАҲМОНҚУЛОВ, Бобут туман Кенгаши депутати:

– Депутат бўлиб сайланганимдан буён туманимизда кўп ўзгаришлар, янгиликлар бўлди. «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастури асосида ҳудудларда бир қатор ишлар қилинди: кўчалар асфальтланиб, янги мактаб-боғчалар қурилди, айримлари қайта таъмирланди. Ички йўллар яхшиланди, қатор соҳаларга инвестициялар киритилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати яхшиланди. Бунинг учун 5 та артизан қудуғи қазилди. 2 та йирик тикувчилик фабрикаси иш бошлади. Уларда 2 минг

нафарга яқин хотин-қиз ишляпти.

Айтаверсам янгиликлар, яхши ўзгаришлар кўп. Бу йил туманимиз янгитдан туғилди, деб айтсам бўлади. Бу жараёнларда депутатларимиз фаол иштирок этишяпти.

Партия гуруҳимиз оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратиб келмоқда. Доимий комиссия йиғилишларида ҳам бу масалалар атрофида ўрганилиб, бандлик ва аҳолини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари ҳисоботлари тингланмоқда. Яқинда партиямизнинг ташаббуси билан 2 та фестиваль ўтказдик. Шу асосда ишсиз аёллар ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда кам даромадли оилалар вакиллари йўлантираётган масалалар ўрганилди. Тадбир якунида туман ҳокими ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчилари билан ҳисобот қилдик. Уларнинг ижросини таъминлаш, назорат ўрнатиш бўйича вазифалар белгилаб олдик.



Гулнора БОЙМИРЗАЕВА, Янгиер шаҳар Кенгаши депутати:



Ойдин АСРАРОВА, ЎзХДП Оқолтин туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати:

– Йил бошида "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш учун хатлов ишларини амалга оширдик. Тумандаги 13 та



Гулнора ҚУВВАТОВА, Сардоба туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:
– Давлат идораларида ва айниқса, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида бизга кулоқ солишяпти, фикр-мулоҳазаларимиз билан ҳисобла-

– Кўп йиллар "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилдим. Депутат бўлсам, жамиятда хотин-қизлар ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини оширишга, ҳар бир хонадоннинг бекаси бўлмиш аёлларга яхши шароитлар яратилишига ҳисса қўишни мақсад қилган эдим. Аввало аёлман. Шу боис хонадон бекаси, ҳам она сифатида ҳудудимдаги хотин-қизлар муаммоси, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, уларнинг турмуш даражаси ва саломатлиги билан доим қизиқаман.

Улар билан деярли ҳар куни учрашаман. Депутатлик қабулимга келишларини кутиб ўтирмайман. Хонадонларга эшик қоқиб кириб бораман. Ўтган чоракда "Жамоатчилик

маҳаллада 9549 та хонадон бўлиб, уларда истиқомат қиладиган 396 нафар ишсиз ёшлар рўйхатга олинди. Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. 45 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 101 нафари тадбиркорларга бириктирилиб, 86 нафари ишга жойлаштирилди. Бунда депутатларнинг иштироки қандай, деб сўрашингиз табиий. Депутатлик гуруҳи ҳам ҳудуддаги янги иш ўринлари, бандлик масаласини мунтазам ўрганиб боради. Жамоатчилик қабулхонаси, аҳоли билан учрашувларда бу борада кўп-кўп мурожаатлар бўлади. Уларни эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

Туман Кенгаши депутати сифатида ҳар чоракда ҳисобот бераман. Мурожаатлар асосида эҳтиёжманд кишиларга "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси томонидан молиявий кўмак ажратилишига эришяпмиз. Яқинда

ишляпти. Туман Кенгаши сессияларида билдирган тўртта таклифим кенгаш раиси, яъни туман ҳокими томонидан қўллаб-қувватланди. Битта чекка маҳалла кўчасига шағал тўкилди, битта болалар боғчаси хоналарининг поли янгиланди, иккита оғир бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун мураккаб жарроҳлик операцияси учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиб берилди.

Туманда 29 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизга, ногиронлиги бўлган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар ҳамда уй-жойга муҳтож 17 нафар хотин-қизга ипотека кредитлари берилишини назоратга олганмиз. Афсуски, аксарият ҳолларда туманимизда режалаштирилган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши чўзилиб кетаяпти, бунда ўринли ва ўринсиз сабаблар борлиги аниқланди. Бу бўйича ҳам

қабулхонасига" мурожаат қилган 10 нафарга яқин хотин-қиз партиядошимиз Бувнисо Бўтаева раҳбарлик қилаётган "Хўнара-Ризқ" ишлаб чиқарувчи корхонасида касб-ҳунарга бепул ўргатилиб, мустақил иш бошлаши учун кредит олишларига кўмаклашилди.

Нафақат хотин-қизлар, балки аҳолининг барча вакиллари эътиборимизда. Айниқса, сайлов округимдаги 55 нафар боқувчисини йўқотган оилалар, 4 нафар чин етим, 17 нафар ногиронлиги бор болалар ҳақида ҳамма қайғураемиз. Уларни йўлантираётган масалаларни депутатлик сўровлари орқали ҳал қилишга ҳаракат қилаёلمиз.

Нафақат хотин-қизлар, балки аҳолининг барча вакиллари эътиборимизда. Айниқса, сайлов округимдаги 55 нафар боқувчисини йўқотган оилалар, 4 нафар чин етим, 17 нафар ногиронлиги бор болалар ҳақида ҳамма қайғураемиз. Уларни йўлантираётган масалаларни депутатлик сўровлари орқали ҳал қилишга ҳаракат қилаёلمиз.

Яқинда партия гуруҳи ташаббуси билан Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисидаги Президент қарори ижроси ўрганилди. Масала сессияга киритилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ишлар кетаяпти. Буни айтишдан мақсадим нима? Демократик, маҳаллий Кенгашлар, партия гуруҳларининг фаолияти ҳудуддаги ўзгаришларга, муаммолар ечимига асос бўлади. Улар кўтарган масалалар эса сайловчиларнинг, аҳолининг оғирини енгил қилиш, турмушини яхшилашга хизмат қилади.

ўрганиш олиб бориб, масалани сессия кун тартибига олиб чиқишни режалаштирдик.

Айрим хулосаларим ҳам бор. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этиш йўлидаги "Маҳаллабай" ва "Фуқаробай" шаклдаги ишлар ҳам негадир оқсаяпти. Бошида ҳаммаси қизғин бошланди, кейин сустлашиб кетди. Албатта, бунда биз депутатлар ҳам жонсарақ бўлишимиз керак. Одамларга қийинчилик туғдираётган, ҳал этилиши лозим бўлган масала мутасадди раҳбарлар, ҳар бир депутатнинг эътиборида, доимий назоратида бўлиши керак.

Гулруҳ САЙФИДДИН қизи, ЎзХДП Марказий Кенгаши депутати билан бирлашма фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси.

ОКРУГДА

ОХИРИГА ЕТМАГАН ИШЛАР

олади. Аммо улар илгари ишлаган даврлари учун солиқ тўлашган. Таклифлар депутат томонидан эътиборга олиниб, келгуси қонун лойиҳалари муҳокамаларига тақдим этилиши режалаштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шербек Бўронов Пахтачи туманидаги "Истиқлол" маҳалласидаги кўп қаватли уйларда бўлиб, аҳолининг яшаш шaroитлари билан танишди. Ижтимоий кам таъминланган оилалар учун субсидия асосида қурилган ва қурилиши давом этаётган мазкур уйларда яшаётган аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Одамлар ижтимоий изолятлардан розилиги, субсидия асосида берилаётган уй-жойлар шаффоф, очик, ҳақиқатан уй-жойга муҳтож аҳоли учун ажратилиб келинаётганлигини айтиб, миннатдор эканликларини айтишди.

Нарпай туманининг "Қозикент" маҳалласида аҳолини ўйлантираётган тоза ичимлик суви масаласини депутат яхшилаб ўрганди. Маълумотга кўра, **бу иш учун жорий йил давлат давлат дастурига асосан 1,8 млрд. сўм маблағ ажратилган. "Элита Лайф" МЧЖ тендер савдосида иштирок этиб ғолиб бўлган ва тоза ичимлик суви лойиҳаси бўйича ишларни бажарган. Бироқ ишлар қўл учиди сифатсиз бажарилган.** Хусусан, 500 яқин қувур талаб даражасида ўрнатилмаган ва устки қисмлари ёпилмаган. Сув трубалари сифатсиз улангани сабабли кўп жойдан сув сизиб чиқмоқда. Бундан ташқари, сув иншооти ҳам яроқсиз аҳволда.

Ичимлик сувини аҳолига етказиб бериш учун ўрнатилган сув насослари электр энергияси линиясига уланмаганлиги сабабли ишламаяпти. Мутасаддилар, маҳалла аҳли

қурувчи ташкилот ишларини назорат қилмасликлари оқибатида лойиҳа қўл учиди бажариб кетилган.

Шундай ҳолатда мутасадди ташкилот раҳбарлари қабул қилиш-топшириш далолатномаларига имзо чекиб, бажарилмаган ишларни сохтакорлик билан бажарилди, деб кўз юмишган. Депутат ўрганишидан кейин туман ҳамда вилоят ташкилотларига охирига етказилмаган ишларни қисқа муддат ичида яқунлаш бўйича тавсиялар берилиб, масала назоратга олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шоҳиста Тўрғунова Чортоқ туманидаги "Юксалиш" маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда қатнашди. Юзма-юз мулоқотда туман ҳокими Анваржон Отаходжаев иштирок этди. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишларни яқунга етказиш, табиий газ таъминоти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Маҳалла фаоллари томонидан йўл қурилиши ва янги ичимлик суви тармоғи тортиш борасидаги ишлар, ёшлар ихтиёрига топширилган "Workout" майдончаси эътироф этилди.

Депутат, шунингдек, "Дамариқ" маҳалласидаги 6-мактаб фаолияти билан танишди. Бу жараёнда таълим даргоҳида иситиш мавсумининг барқарор ўтишини таъминлаш масаласига эътибор қаратилди.

Маълумотга кўра, ушбу маскандаги 32 та синфда 968 нафар ўқувчи билим олмоқда. 67 нафар педагог фаолият юритади. Мактабда ўқувчилар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилган. Волейболчи қизлар жамоаси туманда ва вилоятда ўз ўрнига эга. Бокс бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиққан. Мактабда ободонлаштириш ва "Яшил ма-

кон" умумий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўрганилди. Бугунги кунда яшил оламини сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз томонидан "Яшил макон" умумий лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди. Акция доирасида кўчат экиш ишлари Чортоқ туманидаги умумтаълим муассасаларида ҳам тобора кенг қанот ёзмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова Узун туманидаги 2-касб-хўнара мактаби ва 27-мактаб фаоллар залида учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда ижтимоий изолятларнинг бориши ва Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Конституциявий қонун лойиҳаси, янги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шундан сўнг сайёр қабул бошланди. 30 нафарга яқин фуқаро турли масалаларда депутатга мурожаат қилди. 14 масала жойида қаноатлантирилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 9 таси моддий маблағ талаб этилиши туфайли назоратга олинди. Худуддаги 3-сектор масъул Уланқул, Нурафшон, Сурхон, Файзобод каби бир қатор маҳаллаларда ҳам аҳоли мурожаатлари тингланди. 16 та мурожаатнинг 9 таси жойида ҳал этилиб, 7 нафар фуқаронинг масаласи маблағ ва муддат талаб қилингани учун депутат назоратига олинди.

Худудларда Қонунчилик палатаси депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Гулруҳ ОДАБШОЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА ФАЛСАФА



СИЁСАТ ҚАЛБНИ ОЧАДИ

Тарихимизнинг бир даврларидан фахрлансак, бир даврларидан уяламиз. Дунёда маданиятли бошқарув, халқни ҳурмат қиладиган ҳокимият яратилаётганда, олам қолоқликдан қутулаётган пайтда хонлигу амирликларимиз саройларини майда ўйинлар, фитналар босиб кетган вақтларни ўйлаганда, одамга алам қилади.

Ўғиллар оталарини ўлдирган, акалар укаларига чоҳ қазиган ҳолида кучи, салоҳияти, аҳамияти жиҳатдан жуда арзон тахт учун курашиб, халққа жабр-зулм етказгани, ўз айши учун йиллар, эҳтимол асрларни беҳуда ўтказиб юборгани сиз билан менгача, қонимиз ва суягимизгача оғир асорат қолдирган. Бошқарув нўноқлиги, жамоат бефарқлиги давоси топилиши қийин бир дард шекилли.

Совет даврида ҳам жодугар ва маккор, чўтир фалсафа нормал бошқарув қоидалари асосида яшашга, ҳатто бу ҳақда ўйлашга қўймади. Қадимий бир миллат эканмиз, бу оламда ўрнимиз, аҳолимиз қандай бўлади, деб хаёл ҳам сура олмадик. Сиёсат бизга ярашмайдиган либосдек кўрсатилди.

Янги мингйиллик бошларида журналистикани битириб, тахририятга келганимизда бошқарув, демократик тартиблар ҳақида ёзиш энг тақиқланган мавзу эди. Мақолалар, фикрлар, дунёдан қиёслар келади, лекин қандайдир бир синоат уни саҳифага туширмайди. Ҳамма бош чайқайди, аммо мавзу газета юзини кўрмайди.

Катта бир халқнинг парламентида келган депутатлар ёлчиб гапира, тўрт қатор нарсани эплаб ёза олмас, мийғида кулувчилар, шундан қандайдир тушунарсиз лаззат туювчилар ҳам бўлди. Нега бундай эдилар, нимани хоҳлагандилар – мавҳумлик. Кучсиз парламент билан кучли давлат ва жамият қуриб бўлмаглигини тушуниш учун 2-3 та ўн йиллик ҳам етмагандек.

Янги изолятлар даврида маъмурий изолятлар, ваколатлар мувозанатига эришиш зарурлиги Президент томонидан бир неча марта қатъий таъкидланди. Тарихий имконият, ўзимиз ўзимизга халақит қилмасак бўлди.

Конституцияга таклиф этилаётган меъёрларда ниҳоят ваколатлар мувозанати масаласи акс этмоқда. Ҳали баҳслар

давом этиши аниқ. Ҳоким депутатларга раис бўла олмайди, деган демократиянинг энг бошланғич гапини эшитса, энса қотирадиган, бир нималар қилмоқчи бўладиган туппа-тузук юристлар, олимлар, амалдорлар борлиги одамни лол қолдиради.

Мажлис залларида хонлигу амирликлар давридаги шарпалар кезиб юргандек бўлади. 30-40 йилдан кейин нормал қоидалар жамият қура олганимиз, сиёсий, иқтисодий, маданий қолоқ бўлиб қолганимиз учун болаларимиз, невараларимиздан уялиб қолмасайдик, деб хавотир олади одам.

Тарихда кимларга қандай ваколатлар берилмади, лекин ҳақиқий назорат одамларга етмагунча, одамлар буни тушунмагунча, олдинга юриш мумкин эмас. Инсонни пул билан фикрлатиб, мажбурлаб дахлдор қилиб бўлмайди.

Халақит берувчилар, ўтмишнинг мудҳиш шарпалари, даф бўлинг, мутъелик психологиянгизни пишириб енг, очилаётган қалбларга рутубат уруғини сепманг. Ҳаётнинг сеҳри ва жамолини тўсманг!

Тўлқин ТЎРАХОНОВ.

ХАТО ФИКРЛАШДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Бегзод ҲОШИМОВ,
иқтисодчи:

— Биламиз, кўпчилик учун ялпи ички маҳсулот рақами — қизиқ эмас, ортиқча абстракт ёки тушунарсиз кўринади. Лекин ўқитувчиларнинг ойликлари, мактабдаги шароитлар ёки катта бир стадион эса жуда кўзга кўринади. Шунинг учун ҳам шартли ҳокимлар доим катта-катта қурилишлар қилишади, болалар учун байрам қилишади ва ҳоказо. Сабаби оддий — уни кўрсатиш мумкин. Журналистлар келиб кўради, расмга олади, телевизорда янги бино ҳақида репортаж берса бўлади, хуллас кўринади.

Лекин иқтисодий ривожланиш ёки таназзул дарров кўринмайди. Агар шартли ҳоким, одамларнинг мулкларини бузиш натижасида ҳуқуқий муҳитни ёмонлаштириб, 500 миллионлик потенциал иқтисодий маблағни йўқ қилиб юборса – ҳеч нарса кўринмайди. Лекин ўша ҳоким халқ пулини сарф қилиб, 40 минг долларга етимхонанинг томини янгилаб берса – жуда кўринади.

... Агар биз иқтисодий ривожлантирмасак, концерт ва тадбирлар қилиб туришимизга пулимиз етади, лекин болаларимизнинг ҳаммаси нормал мактабларда таҳсил олишига етмайди.

Хоҳлаймизми, хоҳламаймиз, агар болаларимиз яхши шароитда ўқишини истасак, қариларимиз чиройли шифохоналарда даволанишини истасак, жуда тушунарсиз ва кўзга бир қарашда кўринмайдиган нарсалар, масалан, ялпи ички маҳсулотга эътибор беришга мажбуримиз.

DUNYO SIYOSIY PARTIYALARI
VA PARLAMENTLARI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ФРАКЦИЯЛАРНИНГ
СИЁСИЙ КУЧИ

“ФРАКЦИЯ” СЎЗИ БИР НЕЧА МАЪНОГА ЭГА. ХУСУСАН, БИРОР-БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ СИЁСАТИНИ ПАРЛАМЕНТДА ИФОДА ЭТУВЧИ, МАХАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВДА, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎЗ ОРГАНЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН АЙНИ ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ТАШКИЛИЙ ГУРУХГА ХАМ ФРАКЦИЯ ДЕЙИЛАДИ. АНИҚ ҲАММА-СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯГА, БУ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПЛАТФОРМАГА ЭГА БЎЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ МУҲИМ КУЧИ ҲИСОБЛАНАДИ.

ПАРЛАМЕНТНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР БЎЛСА, УНИНГ ХАРАКТЕРИНИ ФРАКЦИЯЛАР ОЧИБ БЕРАДИ. ФРАКЦИЯЛАР БЎЛМАСА, ПАРЛАМЕНТ ХАМ БЎЛМАЙДИ АСЛИДА. ПАРЛАМЕНТ ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ, ҲАММА-ТАШАББУСЛАР КУРАШИНИ АНГЛАТАДИ.



Қонунлар қабул қилиш жараёнида турли фикрлар ўртага ташланади. Буни эса бевосита сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари таъминлайди. Зеро, фракция бевосита парламентнинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, улар халқ иродасини ифодаловчи, ташаббус ва ғояларни илгари сурувчи партиялардан сайланган депутатлардан иборат бирлашма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунга кўра, парламент депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ҳамда депутатлар гуруҳлари шаклида бирлашмалар тузиши мумкин. Фракция сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар тузишга ҳақли.

Ҳар тилда ўзгача талаффуз этилиши ёки бошқа ном билан аталишидан қатъи назар, парламент халқ вакилларидан иборат сиёсий кучга эга тузилма ҳисобланади.

GERMANIYA.
ФРАКЦИЯЛАР КАТТА КУЧ

Германия парламенти – Бундестагдаги камида 598 ўриндан 299 таси партиялар рўйхати орқали танланади. Рўйхатлар фақат партиялар томонидан тақдим этилиши мумкин ва улар ўз номзодларининг Бундестагдаги ўринларни эгаллаш тартибини ўзлари белгилайди.

Парламент биносининг том қисмида терасаси ва гумбази жамоатчиликка очик. Мазкур нуқтадан парламент ва ҳукумат округини, шунингдек, Берлиннинг диққатга сазовор жойларини кузатиш ҳам мумкин.

Германия сайлов тизимига биноан бир партиянинг ҳукумат тузиши деярли имконсиз. Кичикроқ партияларнинг Бундестагга ўтиши сабабли кўпчиликнинг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик учун беш фоизлик чегара жорий қилинган.

Депутатлар бутун халқ вакиллари бўлиб, буйруқ ва кўрсатмаларга бўйсунмайдилар, фақат ўз виждонига бўйсунмайдилар. Шунинг учун партиядан чиқариш ёки чиқиш мандатдан маҳрум этишга олиб келмайди. Партияга мансублигига кўра, депутатлар бунинг учун зарур бўлган минимал депутатлик ўринларига эга бўлсалар, фракцияларга бирлашадилар. Фракциянинг сони унинг кўмиталардаги вакилларининг сони белгилайди. Бундестаг раиси аънаваный

тарзда энг кучли фракциядан сайланади. У яли мажлисларга раислик ҳамда парламент регламентига риоя этилишини назорат қилади.

Бундестаг депутатлари қоидага мувофиқ, парламентга келганда қайсидир партияга аъзо бўлиши керак. Фракция аъзоларининг сони қонунда мажбурий этиб кўрсатилмаган. Эркин йўл билан сайланган депутатлар эса фракция тузиш ёки тузмаслик ҳақида ўзлари эркин қарор қабул қилишади. Фракция Бундестаг аъзоларидан иборат эркин бирлашма ҳисобланади.

Депутатлар тўғрисидаги ҳамда Бундестаг регламентига оид қонунларда фракциялар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ умумий тушунчалар белгиланган. Масалан, фа-



катгина фракциялар Бундестагга ташаббус, яъни қонун лойиҳалари, баёнотлар, аризалар ёки кўшимчалар киритиши мумкин. Шунингдек, аниқ мақсадлар сари интилаётган алоҳида депутатлар фракцияларнинг кўмагисиз ўз ташаббусларини илгари суролмайди, шу боис фракцияларга бириктирилади. Бир томондан бу депутатнинг имкониятини чеклаши мумкин. Аммо иккинчи томондан парламент индивидуал, овозларга эга бўлмаган ва пиширилмаган ташаббусларга тўлиб кетмайди. Шу сабабли парламентда овозларга ва маълум тарafdорларига эга бўлган ташаббуслар кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, фракция ҳукуматга маълум бир масалада сўров юбориш, муҳим масалаларга оид муҳокама соатларини ташкил қилиш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб бориш каби ҳуқуқларга ҳам

эга. Фракциянинг ваколатлари шу каби формал ҳуқуқлар билангина ниҳоясига етмайди. Фракциялар ғоялар марказидир.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида юзага келадиган фикрлар хилма-хиллиги бутун бир тизимни ўзгартириб юбориши ёки Федерал ҳукуматнинг турли масалалар бўйича аниқ ҳаракатларни амалга оширишга ундаши мумкин. Умуман олганда, фракциялар сиёсий куч сифатида ўз ўрни ва сўзига эга.

ИСПАНИЯ.

КЕСКИН КУРАШ

Испанияда ҳам парламент вакиллари мамлакат қонунларини ишлаб чиқиш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланади. Расмий номи Бош қортес деб юритилади. Парламент 350 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар пропорционал тизим бўйича Испания провинцияларига тўғри келадиган туманларда, д'Ондта усули бўйича халқ овози билан сайланади.

Парламент ҳуқуқларига келсак, палата ҳукумат таркибини тасдиқлайди ва уни ишдан бўшатил ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳалари ва бюджетни биринчи бўлиб кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қонун лойиҳаларига Сенатнинг вето қўйишини бекор қилиши мумкин.

Парламент фракциясини тузиш учун камида 15 аъзо бўлиши керак. Сиёсий партиялар ўзлари номзод кўрсатган сайлов округлари бўйича камида 15 фоиз овоз олган ёки бутун мамлакат бўйича 5 фоиз овоз олган бўлса, 5 аъзодан иборат фракция тузиши ҳам мумкин. Депутатлар императив мандат билан боғланмайди ва бошқа фракцияларга эркин ўтиш ихтиёрига эга. Фракция, агар унинг аъзолари сони минималнинг ярмигача камайtirилса, тугатилади. Бирорта фракцияга кирмаган аъзолар аралаш гуруҳга киритилади.

Испания парламенти томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорларга эътибор қаратилса, уларнинг аксариятида парламент аъзоларининг 40-45 фоизи қарши овоз беради. Масалан, энергияни тежаш билан боғлиқ қонун лойиҳасини ҳам 187 киши ёқлаган бўлса, 161 киши қарши овоз берган. Шу сабабли фракциялар томонидан илгари сурилмаган ғоя ва ташаббусларнинг қабул қилиниши анча музокара ва қарама-қаршиликларни юзага келтиради. Парламентда тасдиқдан ўтган лойиҳа омадли саналади. Чунки бу осон қўлга киритилмайди.

ЛАТВИЯ.

КАТЪИЙ ҚОИДАЛАР

Латвия бошқарув шаклига кўра, демократик республика ҳисобланади. Унинг 2 миллионга яқин аҳолиси овоз бериш ҳуқуқига эга. Давлат бошлиғи Бош вазир ҳисобланади. Одатда парламентда ғолиб чиққан фракция раҳбари ушбу лавозимни эгаллайди. Латвия Президенти ҳам парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади ва асосан вакиллик вазибаларини бажаради. Шунингдек, у баъзи қарорларни бекор қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Жорий йилнинг октябрдан бошлаб Латвия парламенти 7 партиядан сайланган аъзолар ташкил қилади. Хусусан, “Янги Бирик” парламентда 26, “Қўшма рўйхат” 16 ва “Миллий митинг” 13 ўринга эга бўлади. Шундай қилиб, бу уч куч биргалликда 100 тадан 55 та овозга эга бўлади. Яна бир муҳим факт шундаки, парламентдаги 100 ўрин учун 1829 нафар номзод кураш олиб борган.

Парламентдаги фракциялар фаолиятига келсак, депутатларнинг ўз фракцияларидан чиқиши Латвия парламенти учун авваллари одатий ҳол ҳисобланган. Лекин бу кейинчалик парламент ишида мураккабликларни келтириб чиқарган. Ушбу амалиётни тўхтатиш учун 2009 йилда Сейм регламентига бир рўйхат бўйича сайланган депутатлар фақат битта фракция тузиши мумкинлигини кўрсатувчи ўзгартиришлар киритилган. Шунингдек, депутатларнинг фракциявий мансублигини ўзгартириш имконияти йўқлиги белгиланган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда фракциялар фақат Сеймга ўтган партия бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, уларни тарк этган депутатлар бошқа фракцияларнинг бирортасига киритилмаган ҳолда фақат мустақил бўлиши мумкин.

Зилола АНВАР қизи
тайёрлади.МУАММО ЎЗ ЕЧИМИНИ
ТОПМОҚДА

Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати Илхомжон Атабаев фуқаролардан келиб тушган муаммолар юзасидан “Қадамжо” ва “Лола” маҳалла фуқаролари йиғинида бўлди.

Наманган шаҳар “Қадамжо” МФЙ, Сокин-2 кўчасида яшовчи аҳоли вакиллари қарийб йигирма йил давомида яшаш хонадонларининг том қисмидан тартибсиз ўтказилган электр тоқларидан фойдаланиб келишган.

Ҳозирда аҳоли вакилларининг 60 та электр симёғочларига эҳтиёжлари бор, лекин кимга, қай тартибда мурожаат этишдан беҳабар бўлганлар.

Мазкур масала юзасидан депутатга мурожаат келиб тушгандан сўнг, Наманган шаҳар электр тармоқлари корхонаси катта устаси Шаҳбозбек Мўминов масалани жойига бориб ўрганиб, ўн кунлик муддат ичида симёғочлар ўрнатилиши бўйича тушунтириш бериб ўтди ва ўз назоратига олди.

Бундан ташқари, “Лола” МФЙ аҳоли вакиллари Соҳибкор кўчаларига оқова сув тармоғи (канализация) тушириш масаласи юзасидан ҳам мурожаат этгандилар. Депутат Соҳибкор 1-2-3-4-5-6 кўчаларида бўлиб, ўрганишлар олиб борди ва масала ижобий ечим топиб, ҳозир ҳудуддаги 550 та хонадонга оқова сув тармоғи тушириш ишлари бошланди.

«ОНАЛАР ЯШИЛ МАКОН
УЧУН»

«Оналар яшил макон учун» акцияси доирасида Жарқўрғон тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Унда Сурхондарё вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи З.Хидирова, Аёллар реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий бўлими раҳбари, партия фаоли М.Хофизова, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси вакили И.Полвонова, туман ҳокими ўринбосари Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Мустанова ҳамда маҳаллалардаги отинийлар ва тумандаги партия аъзоси бўлган маҳалла хотин-қизлар фаоллари иштирок этишди.

“АЁЛЛАР БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ” ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА
МУАММОЛАРИ ҲАЛ
ЭТИЛМОҚДА

Жамиятда аёлларнинг ролини ошириш борасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида хотин-қизлар муаммолари ўз ечимини топапти. Лойиҳалар доирасида ҳар бир аёлнинг муаммоси алоҳида ўрганилмоқда.

Оиладаги муаммонинг асосий юки уй бекаси зиммасига тушади. Эр ишиси, оилада етишмовчилик бўлса, биринчи навбатда аёл қийналади.

Мамлакатимизда аёллар масалалари бўйича янги тизим жорий этилди, яъни “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, унга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишиси хотин-қизларни киритиш орқали муаммолар ҳал этилмоқда.

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Ҳалима Негматова хотин-қизлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда. Жиззах шаҳар, Қалия маҳалласи, Бешёғоч кўчасида истиқомат қилувчи фуқара Джабборовва Мухайё “Аёллар дафтари”га киритилган. 3 нафар фарзанди бор, 1 нафар фарзанди болаликдан ногирон. Унинг оиласи учун электр печи ажратилди. Тадбирлар доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар тиббий кўридан ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.



“ТОШКЕНТДАГИ 3 ТА ОНКОЛОГИЯ ШИФОХОНАСИ АРЗОНГА СОТУВГА ҚЎЙИЛИБДИ, УЛАРНИНГ ЎРНИГА 1 ТА ЯНГИ УМУМИЙ МАРКАЗ ҚУРИЛАРМИШ”, ДЕГАН ШОВ-ШУВ КЎТАРИЛДИ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИЯТГА ОЙДИНЛИК КИРИТИШ УЧУН МЕДИА ТУР ТАШКИЛ ҚИЛДИ. ВОҚЕАЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ, САВОЛ-ЖАВОБЛАРНИ КУЗАТСАНГИЗ, КЎП НАРСАНИ ТУШУНАСИЗ.

РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲАМДА УНИНГ ПОЙТАХТ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ФИЛИАЛЛАРИНИ ЯГОНА УНИКАЛ КОМПЛЕКСГА БИРЛАШТИРИБ, 650 ЎРИН СТАЦИОНАР ВА 100 ЎРИН КУНДУЗГИ СТАЦИОНАР ДАВОЛАНУВЧИЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ БИНО ҚУРИЛМОҚДА.

8 ҚАВАТЛИ ОНКОЛОГИК КОМПЛЕКСНИНГ ҚУРИЛИШИ УЧУН ТАХМИНАН 600 МИЛЛАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛГАН ЭКАН. ЖИҲОЗЛАШГА 80 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЙЎНАЛТИРИЛКАН. ЯЪНИ, 34 МИЛЛАРДИ ЯНГИ МАРКАЗГА, 30 МИЛЛАРДИ ХУДУДЛАРГА, ҚОЛГАН ҚИСМИ КЕЛИБ ЎРНАТИБ, ЎРГАТИБ КЕТУВЧИЛАР УЧУН САРФЛАНАР ЭКАН. БУ ҲАҚДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ АМРИЛЛО ИНОЯТОВ МАЪЛУМОТ БЕРДИ.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ МИРЗАҒОЛИБ ТИЛЛАШАЙХОВ ҚУРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН МАКЕТ БИЛАН ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ТАНИШТИРДИ.



ШОВ-ШУВ ВА ҲАҚИҚАТ

Мирзағолиб ТИЛЛАШАЙХОВ:

– Айни пайтда фаолият кўрсатаётган марказ пойтахтимизнинг Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази 1968 йилда эксплуатацияга топширилган эди. Уша пайтдаёқ иккита марказда ҳам чўкиш бошланганини таъкидлашган эди. Ўтган йили давлатимиз раҳбари марказимизга келиб, аҳволни кўриб, янги онкология маркази қурилиши билан боғлиқ фикримизни сўради. Биз қўллаб-қувватладик. 5 гектар бўш майдон бор экан, шу ерда бунёд этиладиган бўлди. Тошкентдаги онкология марказларининг умумий сигимини оладиган бўлсак, 870 ўринга мўлжалланган. Кундузги стационар билан қўшганда эса янги марказ бундан анча кўп одамга хизмат кўрсата олади. Масалан, айрим беморлар 4-10 кун давомида нур олиши мумкин. Эндиликда эса бир кун кечгача муолажани олади ва эртаси куни келиши шарт эмас. Натижада беморларга хизмат кўрсатиш ҳажми кўпаяди. 16 та операция блоки ҳамда 45 ўринли реанимация бўлими ҳам ташкил этилади. Поликлиникаси эса 500 қатновга мўлжалланган. Шунингдек, замонавий технологиялар билан жиҳозланиши, 9 та бункердан иборат радиотерапия арсенали ишга туширилиши кўзда тутилган.

Амрилло ИНОЯТОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:

– Республика онкология маркази 370 ўринли бўлиб, 844 нафар ходим 1968 йилда барпо этилган биноларда фаолият олиб бормоқда. 250 ўринга мўлжалланган Тошкент шаҳар марказида 508 нафар ходим ишлайди. 240 ўринга эга Тошкент вилояти марказида эса 432 нафар ходим ишлайди. Расмий рақамларга кўра, 113 минг нафар бемор онкологик касалликлар билан рўйхатда туради. Шу кунга қадар бирор марта капитал таъмирлаш олиб борилмаган. Фақатгина 2019 йилда янги поликлиника биноси қурилган. Тошкент шаҳар бинолари эса 1961 йилда барпо этилган бўлиб, сўнгги марта 2012 йил давлат дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилган. Тошкент вилояти маркази 1926 йилда қурилган, 2008-2009 йилда инвестиция дастурига тушиб, таъмирдан чиқарилган. 2017 йилда патоморфология бўлими қуриб, фойдаланишга топширилган.

2021 йил 21 майда ҳамда 27 июлдаги Президент қарорлари билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш, Молия ҳамда Қурилиш вазирликлари Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида янги мажмуа қуриш ҳамда жиҳозлаш топширилган. Сабаби, бир томонда 1500 ўринга эга Тошкент тиббиёт академияси, бошқа томонда Тошкент тиббиёт академиясининг таъмирдан чиққан ўқув биноси бор. Бутун дунёда кластер тизимини барпо этиш тизими кетмоқда. Аслида ҳам тиббиёт шаҳарчаси, деганда ҳаммаси битта жойда бўлиши, бир манзилда таъмиш, йўриқнома белгиланиши лозим.

Масалан, Тошкент вилоятида ҳамма диспансерлар алоҳида жойлашган. Ваҳоланки, эндокринология диспансерига борган одам учун бошқа шифокорларнинг маслаҳати ҳам керак бўлади. Айни пайтдаги мавжуд ҳолат эса аҳолига бирмунча қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатларда мультипрофилли 1,5-2,5 минг ётоқ ўринли клиникалар фаолият юритмоқда. Ҳаттоки руҳий ёки юқумли касалликлар шифохонаси бир мажмуада жойлашган ҳолатлар ҳам бор.

Шунингдек, давлатнинг миллиардлаб маблағига сотиб олинган жиҳоз 24 соат ишлаши керак. Кундузи ишлаб, кечқурун шифохона ёпилганидан кейин бекор туриши мумкин эмас. Шу сабабли Нурафшон шаҳрида бунга 2-3 баробар катталиқдаги тиббиёт кластери қурилиши режалаштирилган. Мухими, ушбу тенденция барча вилоятларимизда жорий этилади.

Нега янги марказдаги жойлар сони 100 тага кам, деган савол берилаяпти. Бу билангина иш тугамайди. Худудлардаги филиалларни модернизация қилиш ишлари олиб борилаяпти. У

ердаги технология, тиббий жиҳозлар кўпайтирилмоқда. Масалан, Хоразм вилоятида 7000 нафар бемор бўлса, 2400 нафари 2019 йилда ордер билан Тошкентга даволаниш учун келган. Жорий йилнинг 10 ойида эса бор-йўғи 140 нафар бемор пойтахтдаги марказда даволанди. Бунинг сабаби технология кучайиши эвазига касалликни эрта аниқлаш натижасида беморни 80-100 фоиз даволаш имкони юзага келмоқда. Мухими, бунинг учун худудларнинг ўзиде ҳам даволаш йўлга қўйилмоқда.

Республикамиздаги барча онкология марказлари бугунги кунда 24 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада касалликларни эрта аниқлаш даражаси 38 фоиздан 48 га кўтарилди. Беморларга махсус дори воситаларининг 100 фоиз бепул тарқатилиши ва замонавий жиҳозлар билан таъминланиши натижасида эса соғайиш кўрсаткичи 35 дан 80 фоизга ошди.

Таъкидлаш керакки, янги марказда бошқа жойларда бўлмаган, стреотоксид радио жарроҳлиги, яъни бош мия саратонини бош мия қопқоғини очмасдан бурун юқори табиий йўллари орқали аниқ даволаш усуллари бўлими йўлга қўйилмоқда. Бу жуда қиммат бўлим бўлиб, босқичма-босқич барча худудларда ташкил этилади.

Шунингдек, чизикли тезлаткич орқали нур терапияси жуда муҳим бўлган йўналиш ҳисобланади. Позитрон-эмиссион томография бўлими ҳам диагностика, ҳам даволашга хизмат қилади. Умуман 10 дан орტიқ янги бўлим фаолияти йўлга қўйилади. Койкалар камлигига яна бир сабаб, бир кунлик хирургия ривожланмоқда. Яъни, яхши сифатли ёки ёмон сифатли онкологик ўсимта бўлиши мумкин. Амбулатор равишда инструментал, клиник текширувлардан ўтказилади. Ташхис қўйилганидан сўнг, бемор ўша куннинг ўзиде кесмасдан табиий йўллари ёки кичик кесиклар орқали операция қилинади. Эрта ташхислаш 50 фоиз даволаш дегани. Аввалги усулга кўра эса, бемор тиккаш жойлари битгунига қадар 20 кун, бир ойлаб шифохонада ётишига тўғри келган. Ҳозирда дунё тиббиёти бу усулдан воз кечмоқда. Замонавий усулга ўтилганда шу койкаларнинг ўзиде 2 баробар беморларни даволаш имкони юзага келади. Ҳар бир масаланинг ҳисоби олинган.

Президентимизнинг 2019 йилдаги онкологик касалликларга чалинган беморларга қўшимча қўлайликлар яратиш ва беморларга кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ҳажмини янада ошириш билан боғлиқ қарорига биноан 305 ўринга мўлжалланган 150 миллион долларлик лойиҳа қийматига эга миллий онкология маркази пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қад ростлайди. Унинг ёнида эса Жанубий Корея университетининг филиали қурилади. Бу ҳам кластер усулида бўлади.

Журналистлар саволларига навбат берилганда жавоблар қуйидагича бўлди. Яъни, ходимларнинг иш билан таъминланиш даражаси, нега айни пайтда кўчада 25-30 минг долларлик жойларнинг бошланғич нархи 3-4 минг экани ва янги барпо этиладиган марказ ким томонидан қуриляётгани ҳақидаги савол берилди.

– 3 та худудда жами 2000 нафар ходим фаолият юритмоқда. Янги марказда ҳам улар юз фоиз иш билан таъминланади ва бунди Соғлиқни сақлаш вазирлиги қафолатайди. Мухими, янги марказда замонавий ускуналарнинг жой олиши тиббиёт ходимларининг ҳам дунёқарашини ўзгарттиришга, малакасини оширишга ундайди.

Биргина онкологияда эмас, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида беморлар ўз худудида даволаниши керак, деган ташаббус илгари сурилмоқда. Мухими, бу борада ишлар бошлаб юборилган. 5 йил олдин юртимизда нур билан даволайдиган 5 тагина аппарат бор эди. Ҳозирда уларнинг сони 27 тага етди. Ҳар битта вилоятга ўрнатилди. Авваллари кимётерапия олишга 1,2 миллион ажратилган ва бу мамлакатдаги жами беморнинг 10-12 фоизини қоплар эди. Бугунга келиб, 125 миллиард сўм ажратилмоқда. Бу тахминан 12 миллион доллар, дегани. Натижада

» **Биргина онкологияда эмас, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида беморлар ўз худудида даволаниши керак, деган ташаббус илгари сурилмоқда. Мухими, бу борада ишлар бошлаб юборилган. 5 йил олдин юртимизда нур билан даволайдиган 5 тагина аппарат бор эди. Ҳозирда уларнинг сони 27 тага етди. Ҳар битта вилоятга ўрнатилди.**

нафақат пойтахтдаги даволаш марказига, балки вилоятларга ҳам 95-100 фоиз нур дорилари етказиб берилмоқда.

Лекин қисқариб кетди, касаллар келмаяпти, деб ўйлаш ҳам хато бўлади. Сабаби, республика онкология марказида юқори технологиялик муолажалар амалга оширилади.

Миржалол ЖЎРАЕВ, Тошкент шаҳар онкология маркази директори, профессор:

– Бугунги кунда Тошкент шаҳар онкология маркази 255 ўринга мўлжалланган бўлиб, 250 бемор даволанмоқда. Лекин бу натижа эмас. Чунки бизда поликлиника қатновимиз 80 ўринли. Янги мажмуа 500 қатновга мўлжалланган. Ташхис қўйиш имконияти ҳам шунга яраша бўлади. Имкониятимиз камроқ бўлгани боис, беморларни ётқизиб қўямиз, ташхис натижалари чиққунча вақт ўтади, жарроҳлик амалиётидан кейин ҳам яна 2 ҳафта ётиши керак. Янги марказда буларнинг барчаси қисқаради. Даволаш самарадорлиги ошади. Масалан, янги бинода бугун келади, пешингача текширув, кечга яқин операция ўтказилади. Сарсонгарчилик бўлмайди. Текширишлар амбулатор равишда жараҳланган кейин ётиб даволаниши ҳам қисқаради. Агар ҳозир Тошкент шаҳрида шундай имконият бўлганида, нарт борса 100-120 нафар бемор ётган бўлар эди.

Алишер МИРАЛИЕВ, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари:

– Асосий фаолиятимиз объектни баҳолаб, унинг савдосини ташкил этишдан иборат. Мазкур 3 та объект қонунчиликда белгиланган тарзда мустақил баҳоланган ва экспертизадан ўтказилган. Айни пайтда улар бошланғич нарх сифатида очик электрон аукционга қўйилган. Бу якуний нарх эмас. Савдо шу нархда бошланади ва ошиб боради. Айни пайтда ОАВда чиқаётган нархлар билан боғлиқ маълумотлар, яъни объектларнинг ер майдони 3-4 минг долларлик бошланғич баҳога сотувга қўйилган, деган важлар мутлақо асоссиз. Чунки ушбу баҳолаш ҳисоботлари юзасидан эксперт хулосалари олинган бўлиб, объектларнинг тегишлилиги бўйича 1 сотих ер майдонининг бошланғич баҳоси 300-345 млн. сўм ёки 27-31 минг долларга тенг. Аукционда ҳар қандай инсон, тадбиркор, инвестор иштирок этиб, сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Мухим шартлар деган қисми ҳам кўзда тутилган. Ҳозирги шифохона бинолари E-auction орқали онлайн аукционга қўйилади. Савдо бўйича аукционда ғолиб чиққан тадбиркор янги мажмуага кўчиб ўтиш тугагунига қадар икки ой давомида собик поликлиникалар худудида ҳеч қандай қурилиш ишларини олиб бормаслик талаб этилади.

Сотишдан тушган маблағлар эса мақсадли равишда қурилишга сарфланади. Шу сабабли

эртароқ сотувга қўйилди. Тадбиркор эса келгуси йилнинг май ойигача тўловни охирига етказиши керак бўлади. Сабаби, объектнинг сотилишидан тушадиган маблағлар янги марказни қуришга йўналтириладиган манбалардан бири сифатида кўрсатилган.

– Қачон қурилиш бошланган, тендер нега эълон қилинмаган?

Наврўзбек ҒАФҒОРОВ, КоС Construction юристи:

– 2022 йил 1 апрелдан бошланган. Ҳозирда давом этмоқда. Ҳуқуқатнинг тегишли қарорига биноан Mimar Group компанияси билан энг яхши таклифларни танлаш асосида шартнома тузишга қарор қилинди. Буюртмачи сифатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” белгилаган. Халқаро стандартларга жавоб берадиган объектни қуриш учун КоС Construction ҳамкорлик доирасида Mimar Group билан субпудрат шартномасини имзолади. Қурилиш ишлари апрель ойидан давом этмоқда. Билишим бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комиссияси тизилган ва улар билдирилган таклифлар ичидан энг яхшисини танлаб олган.

ССВ бошқарма бошлиғи қарорнинг очиғи, ёпиғи бўлишини ва бу ҳақда айтишга унинг ваколати йўқлигини тақдорлади. ОАВ вакиларининг сўзларига кўра эса бу давлат ёки ҳарбий сир эмас ва улар тўлиқ ажборот олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга. Билмайман, деган жавоб билан одамлар орасидаги ваҳима, шов-шувни тўхтатиб бўлмаслиги таъкидланди.

ССВ ўринбосари снос учунгина ҳозирги қурилиш учун сарфланаётган маблағнинг ярими кетиб қолишини ва марказ бу бир чайла эмаслигини таъкидлади. Иккинчидан, тиббиёт кластерини ташкил этиш учун ҳам кўчирилишга эҳтиёж борлигига урғу берилди.

Дастлаб Президентнинг 2021 йил 21 майдаги қарорига кўзда тутилган янги жойга фақат Республика онкология ва радиология марказини кўчириш режалаштирилган эди. Унда марказ Тошкент тиббиёт академияси поликлиникасининг бўш худудида (Олмазор туманидаги тиббиёт шаҳарчасида жойлашган «Янги ТошМИ») жойлашиши айтилган. Ҳужжатда бошқа онкологик клиникаларни бир комплексга бирлаштириш назарда тутилмаган.

Масъуллар кластер қуриш бўйича Туркиянинг бир неча шаҳарларидаги тажриба ўрганилгани ва ҳаммаси битта жойда бўлиши керак, деган қарорга келингани боис учаласи бирлаштириляётганини қайд этишди.

Шифокорлардан бирининг таъкидлашича, 1968 йилда ҳозирги онкология маркази ҳам шаҳарнинг бир чети бўлган. Сабаби, халқаро тажрибада шифохоналар шаҳардан ташқарида бўлиши керак. Айни пайтда кимё терапия учун дориларни ҳамшираларнинг ўзлари тайёрлаётган бўлса, дунёда бундан воз кечилган. Тайёр препаратлардан фойдаланилади. Беморга 5 тагача дори кетма-кет қўйилади. Бир сўз билан айтганда, замонавий технологиялар тезкор, самарадорлиги боис койкаларни кўпайтиришга эҳтиёж йўқ.

ССВ вазирни ўринбосари “фақат битта нарсани очик айтман, ССВ камчилиги шундаки, бу лойиҳалар бошланмасдан жамоатчиликка тушунтириш бермадик. Шу сабабли турли гап-сўзлар “болалаб кетди”, деди.

– Янги комплекс ишга туширилганидан кейин онкологик кўрсаткичлар ўзгарадими?

– Энг ривожланган мамлакатларда ҳам онкологик касалликлар юқори поғоналарда туради. Аҳолининг яшаш кўрсаткичи оша, бу касаллик кўпаяди. Бизда 100 минг аҳолига 74, Америкада 320, Россияда эса 286 нафарга тўғри келади. Тошкентда 100 минг аҳолига 193 нафар тўғри келади. Бунинг сабаби бизда 40 ёшгача бўлган аҳоли сони кўпчиликни ташкил қилади. Интенсив кўрсаткич шунда 160-170 га чиқиб кетади. 10 йилдан кейин бу кўрсаткич янада ошиши мумкин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

НАМКORLAR

«КҮЙИ
ЧОТҚОЛ»
ГЭСИ125 МИНГ ХОНАДОННИ ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ
КУТИЛМОҚДА

Бугун электр энергия нафақат аҳолига қулайлик яратадиган, иқтисодий ривожига хизмат қиладиган, шу билан бирга муҳим стратегик маҳсулотга айланди. Дунёнинг турли нуқталаридаги қуроли тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

натилган қуввати 90 МВт бўлиб, йилига 300 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шунингдек, ГЭСнинг тўлиқ ишга туширилиши 91,28 миллион метр кубгача табиий газни иқтисодий қилиш имкониятини беради. Иншоот гидрологик режимга таъсир қилмайди ва гидробиологик объектларга зарар етказмайди. Шу билан бирга атроф-муҳит ва табиат ўзгаришларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмаслиги таъкидланди.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

омбори ҳисобланган «Чорвоқ» сув омборининг ўртача 65 фоиз гидроресурслари айнан шу дарёдан оқиб келаётган сув ҳисобига шаклланади. Йилига 4-4,5 миллиард метр куб сув оқиб ўтади. Янги қурилаётган ГЭС йилда 11 ой ишлаш имкониятига эга.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида барпо этилаётган «Куйи Чотқол» ГЭС тўғонининг биринчи тўқнашувларнинг аксарияти энергия муаммолари билан боғлиқ. Энергия тақчиллиги кучли давлатларнинг тилини қисқирок қилиб қўяётган вазиятларни ҳам кўряпмиз. Шундай пайтда юртимизда гидроэлектр станциялари муваффақиятли қурилаётгани катта масала.

БИЛАСИЗМИ?



Айрим шифокорлар клиник ординатурага имтиҳонларсиз қабул қилинади

Олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз 3 йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларсиз қабул қилинади. Шунингдек, мазкур ҳудудларда ишлаётган барча шифокорларга ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорда ҳар ойлик устама белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми, бироқ БҲМнинг 500 баробаридан (150 млн. сўмдан) ошмаган миқдорда қоғлаб берилади.

НОҚОНУНИЙ ДАРАХТ КЕСГАНЛИК
УЧУН ЖАРИМА 5 БАРАВАР КЎП
УНДИРИЛАДИ

Дарахтлар ва буталарни кесишга мораторийнинг амал қилиши мuddатсиз даврга узайтирилган.

Мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда ҳуқуқбузарларга:

– мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори 5 бараварга;
– дарахтлар ва буталарни кесиш ва шикастлантириш билан етказилган зарар учун ундириш суммалари 2 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади.

Дарахтлар ва буталарни кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳукумат фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоравий ҳужжатлар, ҳокимларнинг кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъян таъқиқланади.

Шунингдек, мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади.

Бунда:
– даражаси пасайтирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари 1 йил мобайнида рейтинг баҳосини кўтариш имконидан маҳрум бўлади;
– даражасини пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари 1 йил мuddатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингиндан тўлиқ чиқариб ташланади.

Аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг махсус ахборот тизимидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлик ундирилган маблағлар ҳисобидан БҲМнинг 1 баравари (300 минг сўм)га тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

t.me/huquqiyaxborot

«ЎЗСУВТАЪМИНОТ» АЖ

МУАММОЛАР
ЕЧИМ ТОПАЯПТИМИ?

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти раҳбарияти ва мутасаддилари «Оқова сувларни чиқариб юбориш: муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Оқова сув тизимлари одамларнинг фаровон турмушини таъминлаш, экологик барқарорликни сақлашда муҳим ўрин тутди. Шу боис аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йилларда республика бўйича 56 та янги оқова сув тизимлари барпо этилган ва 1,1 минг километр оқова сув тармоқлари тортилган. Бунинг натижасида 2017 йилда юртимиз аҳолисининг марказлашган оқова сув хизматлари билан камраб олинганлик даражаси 15,2 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб ушбу кўрсаткич 17,6 фоизга етказилди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда 125 та

оқова сув тизимлари мавжуд бўлиб, шундан 58 таси йирик, 67 таси локал оқова сув тизимлари ҳисобланади, – дейди «Ўзсувтаъминот» АЖ бош муҳандиси Анвар Мухаммадиев. – Оқова сув тизимларининг умумий лойиҳавий кунлик қуввати 3,7 миллион метр куб бўлиб, амалда кунга 2,7 миллион метр куб қувват билан ишлаб келмоқда. Кейинги йилларда оқова сув тизимларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилганига қарамадан, мазкур йўналишда бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, республикадаги оқова сув инфратузилмаси ҳар томонлама эскирган. Оқова сув тизимларининг аксарият қисми ўтган асрнинг 70-80 йилларида қурилган бўлиб, бугунги кунга келиб таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Ҳозирда мамлакатимизда 282 та оқова сув кўтариш насос станцияларида жами 527 та насос агрегати мавжуд. Шундан 122 таси носоз, шунингдек, мавжуд жами 8,8 минг километр

оқова сув тармоқларидан 2,1 минг километри (23 фоиз) таъмирталаб аҳволда.

Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида айни дамда барча дастурлар доирасида кунлик умумий қуввати 1,3 миллион метр куб бўлган 45 та оқова сув тизимини иншооти, 329 та насос станцияси ва 3,8 минг километр оқова сув тармоқларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиши натижасида 2,3 миллион нафар аҳолига илк бор оқова сув хизматлари кўрсатилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш белгиланган. Ушбу давр мобайнида 283 та оқова сув иншооти қурилади, 6,5 минг километр оқова сув тармоқлари тортилади ва реконструкция қилинади. Бунинг натижасида республика аҳолисининг марказлашган оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражаси 35 фоизга етказилади.

Оқова сув хизматларини кўрсатиш соҳасидаги тизимли муаммолардан бири саноят корхона-

ларида бирламчи (локал) тозалаш ускуналари ўрнатилмаганлигидир. Жойларда олиб борилган ўрганиш ишлари давомида аниқланишича, корхоналардаги тозалаш ускуналари ҳам талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида чиқарилаётган оқова сувларнинг таркиби меъёрдан юқори зарарли бўлиб, тозалаш иншоотларининг технологик фаолиятини издан чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудлардаги экологик ҳолатга салбий таъсир кўрсатади.

Шу боисдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб меъёрдан юқори ифлосланган оқова сув ташлаётган корхоналар билан шартномани бекор қилиш белгиланган.

Бундан ташқари, кўпчилик юртдошларимиз оқова сув тармоқларига сувда эримайди турли маиший қаттиқ чиқиндиларни ташлаб, уларда тикилиш юзга келишига сабабчи бўлаётгани ҳам ачинарли ҳол. Бу ҳам, ўз навбатида, оқова сув тармоқлари ва оқова сув иншоотларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тоштемир МУРОД тайёрлади.



МАРКАЗИЙ БАНК ҲУКУМАТГА НИМА ДЕДИ?

имтиёзлардан воз кечиш ва хуфёна иқтисодиётни қисқартириш чораларини кўриш зарур

Ўзбекистон Марказий банки "Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024–2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари" шарҳини эълон қилди. Пул-кредит сиёсатини самарали юритиш бир қанча омилларга боғлиқлиги асослаб берилган.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга ошириш керак бўлган чоралар келтирилган.

Хусусан, истеъмол бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш учун:

- тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган қарор ва фармонлар ҳамда механизмларни халқаро консалтинг компаниялар билан биргаликда инвентаризациядан ўтказиш, **бозор механизмларига ва рақобат муҳитига зид нормаларни бекор қилиш;**

- истеъмол товарлари импортида тариф ва нотариф чекловларни камайтириш, соҳани либераллаштириш, истеъмол ва инвестицион товарлар ташқи савдосида монопол ҳолатларга чек қўйиш, импорт географиясини кенгайтириш ва муқобил янги маршрутларни ишлаб чиқиш;

- темир йўл ва ҳаво транспорти хизматлари соҳаларига хусусий қорхоналарни жалб этиш, хизматлар бозорида **эркин рақобат шароитларини яратиш орқали ташиш ва**

транспорт харажатларининг маҳсулотлар таннархига таъсирини пасайтириш;

- монопол характерга эга қорхоналар товар ва хизматлари нархларини шакллантириш механизмининг шаффофлигини таъминлаш;

- **Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш** ишларини тезлаштириш келгуси йилларда муҳим аҳамият касб этади.

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЗАРУРАТИ

Мамлакатда хуфёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегик йўналишларни белгилаш, манфаатдор вазирлик ва идораларни сафарбар этган ҳолда, қатор йўналишларда чораларни амалга ошириш зарурлиги келтирилган:

- 2023-2024 йилларда алоҳида қорхона ёки тармоқларга берилган **имтиёзларни тўлиқ танқидий хатловдан ўтказиш ва бекор қилиш**, шу орқали барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар ва соғлом рақобат муҳитини яратиш;

- **солиқдан қочиш ҳолларида жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, расмий иқтисодиётда ишлашни яширин иқтисодиётда фаолият юритишдан кўра манфаатли қилиш**, тушунтириш ишлари кўламини кенгайтириш;



- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими доирасида **шубҳали мижозлар ва операцияларни олдиндан аниқлаш индикаторларини жорий этиш ва мониторингини кучайтириш.**

ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Марказий банк мазкур йўналишда ҳам ҳукуматга қатор тавсиялар берган:

- 2023 йилда давлат улуши юқори бўлган **йирик банкларни хусусийлаштириш жараёнини мантиқий якунига етказиш**, хусусан, давлат улуши мавжуд банклар (Қишлоқ қурилиш банк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Алоқа банк, Агро банк ва Миллий банк) акцияларини оммавий очик савдоларга

(IPO) олиб чиқиш ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Асака банкдаги трансформация жараёнининг фаол фазасига ўтиш;

- **2023 йилдан бошлаб имтиёзли кредитлаш** (фоизлари бозор фоиз ставкаларидан паст бўлган кредитлар) ва директив кредитлаш (**маҳаллий ҳокимлик органлари ва давлат идоралари томонидан кредитларни белгилаб бериш**) усулларидан босқичма-босқич воз кечиш.

Ҳозир ажратилаётган кредитларнинг **60 фоизи директив асосда** ажратилган кредитлар бўлиб қолмоқда.

Марказий банкимизнинг "Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024–2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари" шарҳи 97 бетдан иборат.



ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР

ЮНЕСКОнинг маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича асосий кўмитаси ишида иштирок этмоқда

Работда (Марокаш) Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитасининг (НМММҚХҚ) 17-сессияси ўз ишини бошлади.

Тадбирда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азулей бошчилигидаги кўмита раҳбарияти, НМММҚХҚга аъзо давлатлар вакиллари, 130 дан ортиқ кузатувчи давлатларнинг юқори мартабали делегатлари ва экспертлар иштирок этмоқда.

Жорий сессия ЮНЕСКО тизимидаги мазкур нуфузли кўмита фаолиятида илк бор аъзо сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон учун яна бир муҳим тарихий босқич бўлди. НМММҚХҚ 24 та иштирокчи давлатни ўз ичига олади, улар ҳар икки йилда бир марта ротацион асосда янгиланади. Ўзбекистон жорий йил 6 июль куни бўлиб ўтган «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияга аъзо давлатлар Бош Ассамблеясининг 8-сессияси доирасида ташкил этилган сайлов натижаларига кўра, 2022-2026 йиллар учун кўмита аъзолигига сайланган 12 та давлатдан бири бўлди.

Панел муҳокамаида Ўзбекистон делегациясининг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда республиканинг бой номоддий маданий меросини асраб-авайлаш, кўпайтириш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маърузаси тингланди. Ўзбекистон томонининг 2003 йилги конвенция қоидаларини, шунингдек, НМММҚХҚ мақсад ва вазифаларини илгари суришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттиришга қатъий интилиши яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон бошқа кўмита аъзолари билан биргаликда кун тартибидаги 20 та масала бўйича 100 дан ортиқ ҳужжатларни кўриб чиқишга киришди. Жумладан, яқин кунларда 2003 йилги конвенция ижроси бўйича даврий ҳисоботлар юзасидан 42 та маъруза, ушбу конвенция назорат қиладиган рўйхатларга киритиш учун 55 та номинация, шунингдек, Баҳолаш комиссияси, Номоддий маданий мерос фонди, Котибият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияга 2008 йилда қўшилган.

Ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига Бойсун маданий макони, Шашмақом мумтоз муסיқаси, Катта ашула, Аския санъати, Наврўз, Палов маданияти ва анъаналари, Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази: адрас ва атлас тикиш, Хоразм рақси – Лази каби объектлар киритилган.

Ушбу сессия доирасида ва келгусида кўриб чиқилаётган яна бир қанча янги номинациялар мавжуд.

Сессия 3 декабрда қадар давом этади.

«Дунё» АА.



ЮНУСОБОДДА НАТИЖАЛАР ЁМОН ЭМАС

Юнусобод тумани ҳокимлиги "Туманнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва истиқболдаги вазифалар таҳлили" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

– Туманимизда йил бошидан буён тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 1183 та янги тадбиркорлик субъекти очилиши натижаси-

да уларнинг сони 13100 тага етди, – дейди **Юнусобод туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Бекзод Багаров.**

– Масалан, "Оилавий тадбиркорлик" дастури асосида хизмат кўсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида 455 та лойиҳага 13,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 495 та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури асосида эса 228 та лойиҳага 7,4 миллиард сўм ажратилиб, 241 та кўшимча янги иш ўрни очилди. Хотин-қизларнинг тадбиркорлиги борасида 211 та лойиҳага 5,3 миллиард сўм ажратилган бўлиб, 226 та кўшимча иш ўрни ташкил этилди. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 1167 нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилган.

Туман ҳокими Б.Абдувалиев ташаббуси билан ҳудудда камбағалликни камайтириш дастури асосида 64 та маҳалла қошида тарбиркорлик субъектлари, ёшларга касб-хунар ўргатиш масканлари очилмоқда. Натижада 4 022 нафар ишсизлар бандлиги таъминланиши маълум қилинди.

Матбуот анжуманида туманда эришилаётган бошқа натижалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Анжумандан сўнг журналистлар бир қатор лойиҳалар билан таништирилди.

Ўз мухбиримиз.

СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН АРИЗАНИ ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"АҲОЛИГА ИПОТЕКА КРЕДИТИ ВА УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING 14.10.2022 ЙИЛДАГИ 601-СОНЛИ ҚАРОРИ

2022 йил 1-декабрдан ✓

Субсидияга талабгорларни танлаб олиш комиссиялари таркибидан Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорлари чиқарилади.

Шунингдек, субсидия олиш учун аризани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари ва туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан кўриб чиқиш тартиби бекор қилинади.

Бунда мазкур ташкилотларнинг маълумотлари subsidiya.idm.uz дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

Субсидия ажратиш мақсадида уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонлари доирасида куйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар тоифасига киритилади:

- ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар;
- олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиббиёт ходимлари.

XABARINGIZ BORMI?

-2
+3Корақалпоғистон
Республикаси
Хоразм+5
+10Бухоро
Навоий+5
+10Тошкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё+10
+15Қашқадарё
Сурхондарё+6
+11Андижон
Наманган
Фарғона+8
+10Тошкент
шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

“МЕНГА ХУШХАБАР АЙТ – ЁЛФОН БЎЛСА ҲАМ”, ДЕБ ЁЗГАН ЭДИ АБДУЛЛА ОРИПОВ. ЁМОН, КЎНГИЛСИЗ ХАБАРЛАР ШУНЧАЛИК КЎПАЙДИКИ, АСАБ ВА СОҒЛИККА ТАЪСИР ҚИЛИШНИ БОШЛАДИ. БАЪЗИДА УМИД ЙЎҚ, ЯШАШНИНГ ҚИЗИҒИ ҚОЛМАГАНДЕК ТҮЮЛАДИ. АСЛИДА ҲАЁТ ЖУДА ГЎЗАЛ, ЯХШИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР ҲАМ КЎП. 7 КҮН УЧУН 7 ТАСИНИ ЕТКАЗЯПМИЗ. ҚОЛГАНИНИ ЎЗИНГИЗ ТОПАРСИЗ.

7 ХУШХАБАР

ТОШКЕНТДАН НУКУСГАЧА 7 СОАТ



Президент 28 ноябрь куни Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича тақдимот билан танишди.

2024 йилда Хивага тезюзар электр поезди йўлга қўйилиши режаланган, Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш бошланди.

Мазкур лойиҳанинг қиймати 445 миллион доллар. Шундан 270 миллион доллари Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкидан жалб этилади. Бухородан Хивагача бўлган 465 километр темир йўл тармоғини электрлаштириш, бекат, нимстанциялар ва бошқа иншоотлар қуриш кўзда тутилмоқда.

Поездларнинг юқори тезлиги соатига 250 километргача бўлади. Президент мутасаддиларга ҳозирги лойиҳага ҳамоҳанг тарзда, Нукус шаҳригача бўлган темир йўлни ҳам электрлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бунинг натижасида Тошкент билан Нукус ўртасидаги қатнов вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

САУДИЯ ҲАМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили Исмаилов Ирғашев Ар-Риёд шаҳрида Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазирлигининг Сиёсий масалаларни режалаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари - Афғонистон бўйича махсус гуруҳи раҳбари Абдулла бин Ҳолид бин Сауд ал Кабир билан музокаралар ўтказган.

Томонлар Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини тиклаш, мамлакатни минтақавий интеграцияга жараёнларига янада кенгроқ жалб этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлашган.

Саудия томони Ўзбекистон Республикасининг Афғонистонда Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар темир йўли линияси қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича савий-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилган.

ШҲТ САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Эрон Ислом маслаҳат кенгаши вакиллари парламент йиғилишида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) қўшилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маълум қилди.

Қонун лойиҳасини парламентнинг 205 депутати маълум қилган, 3 нафари қарши овоз берган, 4 нафари бетараф қолган.

Эрон ШҲТга аъзо бўлиш учун ташкилот томонидан шу пайтгача қабул қилинган барча ҳужжатларни тасдиқлаши керак, ҳозиргача 49 та ҳужжат имзоланган.

ЎЗБЕКИСТОН ШАКАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРДИ




Ўзбекистон Республикасида 2022 йил январь-октябрь ойларида жами йирик корхоналар томонидан 544,5 минг тонна шакар ишлаб чиқарилган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, шакар ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 10,5 фоизга ошган.

Ўзбекистонда октябрь ойида 52,4 минг тонна шакар ишлаб чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЧЕГАРА МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ АРАФАСИДА



Қирғизистон Президенти Садир Жапаров Бишкек шаҳрида имзоланган Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Қирғизистон-Ўзбекистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонунни имзолади. Бу ҳақда Президент маъмурияти маълум қилди.

Қонун Жогорку Кенеш томонидан 2022 йил 17 ноябрда маъқулланган эди.

Қонун билан 2022 йил 3 ноябрда Бишкек шаҳрида имзоланган Қирғизистон — Ўзбекистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тақдир этилади.

Унда Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат чегарасининг 302,29 км узунликдаги участкаларини ўз ичига олган алоҳида участкалари тўғрисида битим имзоланган эди.

МИНИ-ПОЛИКЛИНИКАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Пойтахти-мизнинг 12 та туманидаги кўп қаватли уйлар ҳудудида 170 та мини-поликлиника ташкил этилмоқчи, дея хабар бермоқда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

«Тошкент тажрибаси» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрининг 12 та туманида 10 800 та кўп қаватли уй жойлашган маҳаллалар ҳудудида 170 та маҳалла тиббиёт пунктини барпо этиш ва 540 минг нафар аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсад қилинган.

Зарур дори-дармонлар, керакли тиббий буюмлар, жумладан, ЭКГ ва кислород баллони каби ускуналар билан жиҳозланган, иккита койкали, соат 8:00 дан 20:00 гача ишловчи кундузги стационарга эга кичик шифохонада умумий амалиёт шифокори ва 2 нафар ҳамшира аҳолига мобил тиббий хизмат кўрсатади.

Лойиҳа доирасида йил охирига қадар 40 та контейнер жиҳозланиб, пойтахтдаги 12 та кўп тармоқли поликлиника ва 70 та оилавий поликлиника ихтиёрига топширилади. Улар пойтахтнинг аҳоли гавжум бўлган кўп қаватли уйлари ёнига ўрнатилиши мўлжалланган.

БУ ҲАМ ХУШХАБАР



Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати 1 декабрдан ҳайдовчилар қоидабузарлиги учун жарима балларни ҳисоблаш тест режимда ишга туширилиши ва тест режими вақтида

аниқланган қоидабузарликлар бўйича баллар ҳисобга олинмаслигини маълум қилди.

Қайд этилишича, жарима балларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бунда қоидабузарликлар автоматик тарзда дастурий таъминотда қайд этиб борилади. Ушбу тизим янги бўлганлиги сабабли, тест режимда ишлаган вақтда тизимдаги ҳамда содир этилган қоидабузарликлардаги барча хато ва камчиликлар тизимни техник қўллаб-қувватлаш даврида босқичма-босқич аниқланиб, бартараф этилиб, такомиллаштирилиб борилади.

Маълумот учун, 2018 йилнинг май ойида қабул қилинган Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича концепцияда ҳайдовчилар учун 12 баллик тизимни жорий этиш, бир йил давомда жарималари билан 12 балл йиғган шахсни ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш бўйича ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши айтилган эди.

Аҳолидан эътирозлар келиб тушиши табиий, лекин биргина 2021 йилнинг ўзида қарийб 2500 киши ЙТҲ оқибатида вафот этган. Шу статистиканинг ўзи йўллар қанчалик хавфлилигини кўрсатади.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

Диққат, янги руқия:

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бўрон РЎЗИЕВ

1941 йил 17 майда
Навоий вилояти
Қизилтепа туманида
туғилган.
Меҳнат фаолиятини
1960 йилда Қашқадарё
вилоятидаги
“Муборак” хўжалигида
бошлаган.
1995 йилда
“Ўзбекистон
Қаҳрамони” унвони
билан таъдирланган.



“Ҳаётимда иссиқ-совуқни кўп кўрдим, турли миллат, ҳар хил тақдир эгалари билан ёнма-ён ишладим, – дейди умри қумликлар салтанатида ўтган Бўрон Рўзиев дил сўзларини баён қилиб. – Тажрибамда чиқарган бир сабоғим шуки, одам ўзини чинакам бахтли ҳисоблаши учун унинг ортида қудратли Ватани туриши керак. Мустақиллик эълон қилинган, биз ҳақиқий эркинликларни ҳис этдик. Энди “катта оға”лар чўнтагига эмас, жонажон халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганимиз кучимизга куч қўшганди. Меҳнатимиз завқли, фидокорона юмушга айланди. Шундай қўнларга етганимиз шукронаси учун бир ғайратимга ўн ғайрат қўшиб ишладим.

ИШ БЕРУВЧИ ВА ХОДИМ МАНФААТЛАРИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИ

Маълумки, меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш меҳнат шартномасини бекор бўлиш асосларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатда ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам бекор қилишга ҳақлидир. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 99-моддасига асосан ходим икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шунингдек, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда ходим томонидан иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириш муддати Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига календар кун билан, яъни ўн тўрт календар кун этиб белгиланган.

Ходимнинг меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги меҳнат қонунчилигига кўра мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслик принципининг ифодаси ҳисобланади. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда иш берувчини огоҳлантириш муддатининг икки ҳафта этиб белгилаб қўйилиши иш берувчининг манфаатларини ҳам инобатга олишга хизмат қилади.

Бироқ қўшимча тарзда меҳнат шартномасида тарафлар келишган ҳолда иш берувчини огоҳлантириш муддатини икки ҳафтадан узокроқ муддатни белгилаш ҳуқуқининг киритилиши иш берувчи меҳнат шартномасини ўз ташаббусига кўра бекор қилаётган ходим эга бўлган малакага мос бўлган шахсни топиши ёки бошқа бир ходимда етарли малакани шакллантира олиш, ходим ўз ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилганда у бажариб келаётган ишни бажара оладиган ходимнинг тез фурсатда топилмаслиги натижасида корхона зарар кўриши ва иш ўрни вақтинча бўш қолишининг олди олинишларида муҳим аҳамият касб этади.

Ризмат САМАДОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси инсон ресурслари бўлими инспектори.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 20760 донна Устава ва 20010 донна Дастурининг муқова қисмини партиянинг янги рамзида қайта чоп этиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат тақлифлари қўйидаги манзилларда қабул қилинади: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2022 йил 15 декабрига қадар тижорат тақлифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-83-12.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston ovozi

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1141. 1850 nusxada bosildi. O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 01:10
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda